



Покистоннинг “Muslim Commercial Bank”и (MCB) куни кеча мамлакатнинг бешта Исломий банкидан бири бўлган “Бурж”ни сотиб олиш ниятида эканини маълум килди.

Номланишида “Мусулмон” сўзи бўлгани билан, аслида Исломий банк бўлиб хисобланмайдиган энг даромадли ушбу Покистон банки, агар Марказий Банк ва ўзга тегишли органлар маъкуллайдиган бўлса, Burj Bankнинг 55 фоиз акцияларини сотиб олади. Ушбу максадлари хакидаги маълумотномани банк Карачи шахар Биржа фонди (KSE)га йўллади.

«“Muslim Commercial” банки Burj bankининг хал килувчи овозга эга бўлган акционерлари билан, MCB томонидан банкнинг муомаладаги ва янги чикариладиган акцияларига маблаг ажратилиши, хамда Ислом ривожланиш банкнинг (IDB) инвестициялаш шўъбаси бўлмиш хусусий тармокни ривожлантириш Ислом корпорацияси томонидан кўшимча инвестициялар жалб килиш юзасидан келишувга эришилди», - дейилади банк матбуот хабарномасида.

Кайд этиб ўтиш жоизки, аввалрок MCB 10 млрд. рупий хажмдаги таъминланган сармояга эга бўлган Ислом банки «шахобча»сини очиш режаси борлигини маълум килган эди.

Мўлжалга биноан, MCB томонидан инвестиция киритилиши Burj Bankнинг сармоясини Покистон Марказий банки томонидан кўйилган талабларга мувофикалаштиришни таъминлашга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, бўлимлари сони энг оз бўлган Покистон Ислом Burj Bank ўтган йилнинг илк 9 ойи мобайнида 642,2 млн. рупий зарар кўрган; ундан аввалги худди шунча давр мобайнида эса кўрилган зарар 22,45 млн. рупийни ташкил этган эди.

Burj Bankning операцион чикимлари юкорида келтирилган вакт мобайнида бир бўлимга хисоб-китоб килингандага 24,7 млн. рупий – Покистон Ислом банклари орасида энг юкори микдорни ташкил этди. Солиштириш учун, худди шундай кўрсаткич МСВда 11 млн. рупий.

“Global Securities” тахлилчиси Умайр Носирнинг сўзларига караганда, Burj Bank якин кунларда МСВга сотилиши кўзда тутилаётган янги акциялар чикаради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Burj Bankning асосий акционери бўлмиш Баҳрайннинг “Ал-Хайр” (Al-Khair) банки Burj Bankning 36,9 фоиз акцияларига эгалик килади; шунингдек, банкнинг 33 фоиз акциялари “хусусий тармокни ривожлантириш Ислом корпорацияси”га тегишли.